
ҚИРҒИЗИСТОНДА ФАРҒОНА, БАТКЕН ВА СЎҒД ВИЛОЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК УЧРАШУВИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Бугун Қирғизистоннинг Чўлпон-ота шаҳрида жойлашган Baytur мажмуаси ҳудудида Фарғона, Қирғизистоннинг Баткен ҳамда Тожикистоннинг Сўғд вилоятлари раҳбарларининг минтақавий учрашуви ўз ишини бошлади.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров, Баткен вилояти губернатори Абдиқарим Алимбаев ва Сўғд вилояти раиси Ражаббой Аҳмадзода иштирокида бўлиб ўтаётган чегара ҳудудлари раҳбарларининг минтақавий учрашувида уч чегарадош вилоятнинг расмийлари ҳам иштирок этмоқдалар.

Кенгайтирилган тартибда ўтказилган уч томонлама учрашув давомида савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, туризм ва бошқа соҳаларда ҳудудлараро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Уч чегарадош вилоятлар раҳбарларининг дастлабки учрашуви 2021 йил апрель ойида Фарғонада бўлиб ўтганди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-17 17:38:21